



O'ZBEKISTON O'VOZI

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

2015-yil, 4-aprel. Shanba 39 (31.942)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz

ИСЛОМ КАРИМОВ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЭТИБ САЙЛАНГАНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҚУТЛОВЛАР

Мамлакатимизда 2015 йил 29 март куни бўлиб ўтган сайловда Ислон Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлангани муносабати билан хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, хорижий мамлакатларнинг таъкидлаш жамоат арбоблари номидан самимий тилаклар билдирилган қутловлар келмоқда.

Ўзбекистон раҳбари номига Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиндан келган қутловда Хитой ҳукумати ва халқи номидан самимий табрик ва эзгу истаклар билдирилган.

Қутловда Ислон Каримов раҳбарлигида Ўзбекистонда сиёсий барқарорлик, иқтисодий тараққиёт ва халқ фаровонлиги юксалиб, халқаро майдонда мамлакатимиз нуфузи муттасил ошиб бораётгани таъкидланган. Ўзбекистон давлат қурилишининг барча соҳаларида бундан буён ҳам янги ва янада улкан муваффақиятларга эришишига ишонч билдирилган.

ХХР раҳбари Хитой ва Ўзбекистон ҳамкорлиги ўзаро ишонч, дўстлик ва самимий муносабатларга асосланганини таъкидлаган. Дипломатик алоқалар ўрнатилганидан буён ўтган 23 йил мобайнида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларда изчил ривожланиш суръатлари сақланиб келмоқда, сиёсий соҳадаги ўзаро ишонч ҳар томонлама мустаҳкамланиб, манфаатли ҳамкорлик ва стратегик шериклик муносабатлари ривожланмоқда.

Хитой Халқ Республикаси Раиси Хитой билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлигининг ривожланиш

суръатини юксак баҳолаб, ўзаро стратегик шериклик муносабатларини мамлакатларимиз ва халқларимиз фаровонлиги йўлида янги босқичга кўтариш учун биргаликда ҳаракат қилишга тайёр эканини билдирган.

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин Ислон Каримовни сайловда ишончли галаба қозонгани билан самимий қутлаган.

Қутловда сайлов якунлари Ислон Каримов мамлакатда юксак обрў-эътиборга эга эканини тўлиқ тасдиқлаши қайд этилган. Бу, шубҳасиз, Ислон Каримовнинг давлат раҳбари сифатидаги хизматларининг, Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб вазифаларини ҳал этишда эришган ютуқларининг кенг эътирофидан далолатдир.

Россия Президенти Россия билан Ўзбекистон ўртасидаги иттифоқчилик ва стратегик шериклик мустаҳкамланиб бораётганини алоҳида таъкидлаб, ўзаро муносабатларни, минтақавий ва халқаро соҳада амалий ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича дўстона мулоқот ҳамда биргаликдаги ҳаракатларни давом эттиришга тайёр эканини билдирган.

■ КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

2014 йил ДЕКАБРЬ ОЙИДА ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИГА БЎЛИБ ЎТГАН САЙЛОВЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАРНИНГ 214 НАФАРИ ВИЛОЯТ КЕНГАШЛАРИГА, 1657 НАФАРИ ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИГА САЙЛАНДИ.



Санжар ШОТЎЛАНОВ олган сурат.

Маҳаллий кенгаш депутати,

зиммангизда қандай масъулиятли вазифалар турганини биласизми?

Янгидан шаклланган партия гуруҳлари зиммасида қандай вазифалар турибди? Депутатлик сўрови институти, депутатлик назорати ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари

раҳбарининг ҳисоботини эшитиш қай даражада амалга оширилмоқда? Буни ўтган чақириқда фаолият юритган партия гуруҳлари мисолида таҳлил этишга ҳаракат қиламиз.

Бугун мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ҳаётида сиёсий партияларнинг ўрни тобора кучайиб бормоқда. Ижро ҳокимияти устидан самарали жамоатчилик назора-

ти ўрнатишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари муҳим ўрин тутмоқда.

► Давоми 2-бетда.

■ ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ

■ Бирор касб-хунарни ўрганиб, ҳаётга катта орзу-ниятлар билан кириб келаётган битирувчининг ишли бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Бундай пайтда ўзига, келажигига ишончи ошган ёш йигит ёки қизнинг қўнғилдан ўтадиган кечинмаларни тасаввур қилиб кўринг. Фарзандининг меҳнат фаолиятини бошлаганидан мамнун ота-она қувончининг ўзи бир олам...

Битирувчиларни ишга жойлаштириш бўйича

ҳукумат томонидан қўшимча
чора-тадбирлар белгиланди

2015 йил 10 мартда бу борада яна бир ҳужжат — Вазирлар Маҳкамасининг «Касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Унда ёшларни иш билан таъминлаш жараёнлари қамровини янада кенгайтириш билан боғлиқ бир қатор муҳим масалалар кўзда тутилган. Ушбу қарор касб-хунар коллежлари битирувчиларининг ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш, уларни ишга жойлаштиришда мутасадди раҳбарларнинг жавобгарлигини ошириш, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 16

январдаги 1-сон мажлиси баёнининг 20-банди ижросини таъминлаш мақсадида қабул қилинган. Қарорда касб-хунар коллежларининг битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар самара бераётгани қайд этилади. Шу билан бирга, таҳлил натижалари мутасадди раҳбарларнинг касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш масаласига эътиборсизлик билан ёндошиши кузатилаётгани, бунинг натижасида баъзан хато ва камчиликларга йўл қўйилаётгани маълум қилинади.

► Давоми 2-бетда.

Пенсионерлар, меҳнатга лаёқатсиз ногиронлар, етим-есирлар ва аҳолининг меҳнат қила олмайдиган бошқа ижтимоий гуруҳлари ҳаётини эҳтиёжларини тўлақонли қондиришни кафолатловчи пенсия таъминоти ва ижтимоий нафақаларнинг самарали тизимини янада такомиллаштириш керак.

ЎзХДП Сайловолди дастуридан

Мурожаатлар ҳал этилмоқда

ЎзХДП НАМАНГАН ВИЛОЯТ КЕНГАШИДАГИ ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАСИГА 2014 ЙИЛ МОБАЙНИДА ФУҚАРОЛАРДАН ЖАМИ 495 ТА ЁЗМА ВА ОҒЗАКИ МУРОЖААТ ТУШГАН. УЛАРНИНГ 85 ФОИЗИ ИЖОБИЙ ҲАЛ ЭТИЛГАН. ҚОЛГАНЛАРИ БЎЙИЧА ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТЛАР БЕРИЛГАН, ТЕГИШЛИ ТАРТИБДА ЧОРА-ТАДБИРЛАР КЎРИЛГАН.

2

■ СПОРТ

қиличбозлик:

Шиддатли ва ҳаяжонли баҳслар

Пойтахтимизда қиличбозлик бўйича ўсмирлар ва ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати қизгин давом этмоқда. Унда дунёнинг юзга яқин давлатидан минг нафардан зиёд қиличбоз голиблик учун кураш олиб борапти.



4

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ва навбатдаги сонларида:

Ўзбекистон Республикаси
Президенти сайлови
очиқлик, ошкоралик тамойиллари
асосида ўтди



■ ЎзХДП Марказий Кенгашида депутатлик сўровидан самарали фойдаланиш масалалари муҳокама этилди.

■ КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Маҳаллий кенгаш депутати, зиммангизда қандай масъулиятли вазифалар турганини биласизми?

Қонунчиликка кўра, партия гуруҳлари сессия кун тартибини тузишда иштирок этиш, сессия кун тартибидида ҳар бир масала бўйича музокараларда гуруҳ вакилига сўз бериш, тегишли равишда Жўрғи Кенгеснинг Раисига ва Вазирлар Кенгашига, Қорақалпоғистон Республикасининг вазирига ва бошқа давлат органлари раҳбарларига, ҳокимларга, ҳоким ўринбосарларига, ҳокимликлар бўлимлари ва бошқармаларининг раҳбарлари-

да ўз ечимини қутаётган ижтимоий-иқтисодий масалалар, электрот манфаатларини ўйлан-тираётган муаммолар оз эмас. Яна бир масала. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги ўзХДП гуруҳлари ташаббуси билан маҳаллий Кенгашлар сессияларида мансабдор шахсларнинг соҳага оид масалалар юзасидан ҳисоботларини эшитиш етарли даражада ташкил этилмапти. Партия гуруҳлари томонидан 2014 йилда бор-йўғи 50

ҳар ҳокими лавозимига тасдиқланган шахсларнинг қоникарсиз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига асосланган ҳулосалар тақдим этиш ташаббуси билан чиқиши белгилаб қўйилган. Бундай ташаббус етакчи партия гуруҳлари томонидан қўллаб-қувватланган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Президентини бу ташаббуснинг халқ депутатлари Кенгашидаги муҳокамасини тайинлайди ва муҳокама натижаларига мувофиқ қарор қабул қилади.

Афсуски, маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари берилган ваколатлардан етарли даражада фойдалана олмапти. Айтиш кераки, минтақалар иқтисодиёти, ижтимоий инфратузилмаси ва меҳнат ресурсларини мувозанатли комплекс ривожлантиришнинг ўртача муддатли инвестиция дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш асосида бандлик борасидаги минтақавий сиёсат самарадорлигини янада ошириш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги ўзХДП гуруҳларининг жойларда таъсирчан депутатлик ва жамоатчилик назоратини ташкил этиш борасидаги ишлари талаб даражасида эмас.

2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастури бажарилишида, жумладан, касб-хунар коллежи битирувчиларини ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштиришда бир қатор муаммолар, аниқроғи, расмий маълумотлар билан ҳақиқий ҳолат ўртасида тафовутлар пайдо бўлди.

Шу ўринда савол туғилади: маҳаллий Кенгаш депутатлари зиммасида қандай вазифалар турибди? Энг аввало, давлат ҳокимиятининг сайланадиган вакиллик органлари ишида фаол иштирок этиш орқали партия дастурий мақсадларини амалга ошириш ва Ўзбекистон Халқ демократик партияси электротати манфаатларига хизмат қилувчи қонунлар ва бошқа давлат қарорларини қабул қилиш улар самарали бажарилишига таъсир кўрсатиш механизмидан тўлиқ фойдаланиш лозим бўлади. Шунингдек, мамлакатда амалга оширилаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг норматив асосини ташкил этадиган давлат қарорларининг жойларда аниқ ижро этилиши юзасидан давлат бошқаруви маҳаллий органлари ҳодимлари масъулиятини оширишга хизмат қиладиган депутатлик ва жамоатчилик назорати институти фаолиятдан кенгроқ фойдаланиш мақсадида мувофиқдир.

Иқтисодиётда банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли аҳоли, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва ишга жойлаштиришда қийинчиликларга дуч келаётган, шунингдек, кам таъминланган ва кўп болали оилалар, жисмоний имкониятлари чекланган одамлар ва пенсияонерлар аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари ва гуруҳларини аниқ тарзда ижтимоий қўллаб-қувватлашни назарда тутадиган мақсадли давлат дастурлари бажарилиши борасида мансабдор шахслар ҳисоботларини эшитиб бориш амалиётини такомиллаштириш талаб этилади.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳла-

Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими номзодлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тегишли халқ депутатлари Кенгашларидаги партия гуруҳларининг ҳар бири билан маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашига тасдиқлаш учун тақдим этилади.

«Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонуннинг 6-моддасидан.

рининг комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва ижро қилинишидаги фаол иштирокини таъминлаш лозим.

Мазкур вазифаларни ҳаётга самарали татбиқ этиш сайловчилар, электрот вакиллари ишончини оқлашга хизмат қилади.

Нуралӣ ОРИПОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

■ ЎЗХДП ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАСИДАН РЕПОРТАЖ



Мурожаатлар ҳал этилмоқда

■ ЎЗХДП Наманган вилоят кенгашидаги Жамоатчилик қабулхонасига 2014 йил мобайнида фуқаролардан жами 495 та ёзма ва оғзаки мурожаат тушган. Уларнинг 85 фоизи ижобий ҳал этилган. Қолганлари бўйича ҳуқуқий маслаҳатлар берилган, тегишли тартибда чора-тадбирлар кўрилган.

Вилоят партия кенгаши биносига биз билан измириб келган аёлнинг Жамоатчилик қабулхонасини сўраётганини эшитиб қолдим.

Шу пайт қабулхона масъул ходими Феруза Абдурахмонова бизга пешвоз чиқди. У Жамоатчилик қабулхонаси фаолиятига доир маълумотларни бизга тақдим қилди-да, узр сўраб, аёлга юзланди. Беихтиёр уларнинг суҳбатига қулоқ тутдим.

— Уғлим мактабдан кейин маълум сабаблар билан ўқишни давом эттиролмади. Бунга ҳам бир неча йил бўлди. Ҳозир устачилик қилади. Унга муҳим иш жойи топишда қийналяпмиз. Шу масалада ёрдам сўраб келгандим.

Чортоқ туманининг Ойқирон қишлоғидан келган, ўзини Тамара Ўринбоева деб таништирган аёл билан астойдил суҳбатлашгач, Феруза мурожаатини расмийлаштиришга киришди.

— Мурожаатингизни қайд қилдим. Ҳуқуқшунослар, депутатлар билан маслаҳатлашиб, сизга, албатта, ёрдам берамиз. Лекин ўзингизнинг тобингиз йўқ қўринад. Бетобга ўхшайсиз?

— Ҳа, бўғимларим оғрийди. Бир-икки даволандим. Лекин бошқа таъшишлар билан бўлиб, муолажаларни давом эттиролмадим.

Хуллас, Тамара Ўринбоеванинг соғлиғи бўйича мурожаати ҳам алоҳида расмийлаштирилди.

Орадан икки кун ўтгач, Феруза билан телефонда гаплашдим.

— Тамара Ўринбоеванинг иши бўйича вилоят Кенгаши депутати Луқмонжон Дадабоевга мурожаат қилгандик. У вилоят соғлиғини сақлаш бошқармасига депутат сўрови юборган экан. Ҳозир Тамара опа вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг ревматология бўлимига имтиёзли даволаниш учун ётқизилди.

Жамоатчилик қабулхонасига иккинчи бор келганимизда, Феруза Абдурахмонова янгиқўрғонлик Роҳатхон Норбоеванинг бандлик масаласидаги мурожаати билан «Намимпектекстис» корхонасига кетган экан. Бир соатлар вақт ўтгач, у яна қабулхонада ҳозир бўлди.

— Мурожаат ижобий ҳал этилди. Роҳатхон корхонага синов муддати билан ишга қабул қилинди, — деди у қониқиб билан.

Айни пайтда Роҳатхон Норбоева корхонада йигирув оператори. ЎзХДПга аъзо бўлиш учун ариза берган.

Феруза Абдурахмонованинг маълумот беришича, қабулхонага жорий йилнинг март ойида 137 мурожаат бўлган. Уларда кўтарилган масалалар бўйича соғлиқни сақлаш, халқ таълими, адлия бошқармалари, «Камолот» ЕИХ вилоят кенгаши, депутатлар ҳамда тегишли корхона-ташкilotларга хатлар юборилиб, натижа ва ечимлар назоратга олинган.

— Назоратга олинган масалалардан қутилаётган натижалар ёмон эмас. Фақат ҳамма мурожаат ҳам маълум сабабларга, аниқроғи, қонуний тартибларга кўра тезда ечим топавермайди. Бунинг учун вақт, сабр ва астойдил ҳаракат керак, — дейди у.

ЎЗХДП Наманган вилоят кенгаши қошидаги Жамоатчилик қабулхонасига муҳим иш ўрнига эга бўлган, соғлиғини тиклаган, банкдан кредит олишга эришган қўллаб-қувватлашнинг миннатдорлик хатлари келган экан. Улар билан танишгач, бошқа мурожаатлар ҳам эътиборсиз қолмаслиғига ишончимиз ошди.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

www.xdp.uz

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкilotлари, депутатлик бирлашмалари фаолияти ҳақида мазкур сайтдан батафсил ахборот оласиз.

Сарвар РАҲИМОВ

■ ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ

Битирувчиларни ишга жойлаштириш бўйича

ҳукумат томонидан қўшимча чора-тадбирлар белгиланди



Жумладан, ўрганишлар шунинг кўрсаткичида, ишга жойлашган, деб ҳисобот берилган битирувчилардан баъзилари ишга олинмаган, уларга меҳнат дафтарчалари очилмаган.

Қарорда касб-хунар коллежлари битирувчиларининг ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш, аниқ ташкilotларга — иш берувчиларга бириктириш ва эгаллаган касблари бўйича ишга жойлаштиришни таъминлаш бўйича Республика мувофиқлаштирувчи кенгашлар тузилиши кўзда тутилган.

Касб-хунар коллежлари битирувчиларининг ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш ва уларни ишга жойлаштириш бўйича амалга ошириладиган ишлар схемаси тузилди. У беш босқичдан иборат бўлиб, ҳар бирида маълум тадбирларни амалга ошириш назарда тутилган.

Жумладан, биринчи босқичда касб-хунар коллежлари битирув-

чиларининг тўлиқ маълумотлар банкани яратиш, туман (шаҳар)даги корхона ва ташкilotларнинг ўрта махсус маълумотга эга кадрларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш, корхона ва ташкilotлар раҳбарлари ҳамда касб-хунар коллежлари директорлари билан бирга битирувчиларни корхона ва ташкilotларга бириктириш тадбирлари кўзда тутилган.

Иккинчи босқичда касб-хунар коллежлари битирувчиларининг корхона ва ташкilotларда ишлаб чиқариш амалиёти ўташи ва уларни ишга жойлаштириш бўйича уч томонлама шартнома имзолашни ташкил этиш тадбирлари қайд этилган.

Учинчи босқич битирувчи курс ўқувчилари амалиёт ўтайдиган корхона ва ташкilotларда етарли шарт-шароит яратиш, битирувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш каби тадбирларни ўз ичига олган.

Тўртинчи босқичда ихтисослаштирилган бўш иш ўринлари ярмаркалари ўтказилади, ўз хусусий ишини очиб, бизнес билан

шуғулланишга қарор қилган касб-хунар коллежлари битирувчиларига тижорат банкларининг имтиёзли кредитларини ажратиш орқали ишга жойлаштириш ташкил этиш чора-тадбирлари амалга оширилади.

Яқиний — бешинчи босқичда эса битирувчиларининг ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш ҳамда уларни ишга жойлаштиришнинг боришини акс эттирувчи ягона шаклдаги маълумотлар базасини яратиш, шу билан бирга, битирувчиларнинг иш билан таъминланганини назорат қилиш тадбирлари белгилаб қўйилган. Бунда ишлаётганлик ҳақидаги маълумотларнинг ҳаққонийлигини шахсий жамғириб бориладиган пенсия ҳисоб-варақлари орқали назорат қилиш, кўзда тутилган.

Қарорда туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари касб-хунар коллежлари, корхона-ташкilotлар раҳбарлари билан биргаликда ўз ҳудудларидаги ҳар бир битирувчини эгаллаган касби бўйича ишга жойлаштиришни назарда тутиши, уч томонлама (корхона-битирувчи-коллек) шартномалар тузган корхона ва ташкilotлар тўғрисидаги тўлиқ маълумотларни ҳудудий кенгашларга тақдим этиши кўрсатилган.

Қарорда назарда тутилганидек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилари Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда ҳудудий кенгашлар туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари томонидан тақдим қилинган маълумотларни умумлаштиради, таҳлил қилади, сўнгга Республика мувофиқлаштирувчи кенгашига тақдим этади.

Республика мувофиқлаштирувчи кенгаши ушбу маълумотларнинг умумий таҳлили асосида касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишлаб чиқариш амалиёти ўташ учун аниқ корхона ва ташкilotларга, яъни иш берувчиларга бириктириш бўйича яқиний кўрсаткичларни ҳар бир туман ва шаҳар кесимида тасдиқлайди.


Шундан кейин тасдиқланган яқиний кўрсаткичлар ижро учун ўрта махсус, касб-хунар таълими марказига, ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳудудий бошқармаларига, касб-хунар коллежларига, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилари Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, тегишлилиги бўйича Вазирилари Маҳкамаси комплексларига тақдим этилади.

Ҳар бир туман ва шаҳар бўйича касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш билан боғлиқ манзилли тадбирлар ижросининг ҳафталик назорати олиб борилади.

Қарорга мувофиқ йил якуни бўйича касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш борасида энг паст натижа кўрсатган туман (шаҳар) ҳокимликларига қонунчиликда белгиланган интизомий чоралар қўрилади.

Ҳукумат қарорига кўра, шунингдек, касб-хунар коллежларининг 2014/2015 ўқув йилидаги битирувчиларини аниқ корхона ва ташкilotларга — иш берувчиларга бириктириш кўрсаткичлари ҳамда 2015 йилда тижорат банклари томонидан касб-хунар

■ «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНГА МУВОФИҚ, САЙЛОВ НАТИЖАЛАРИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ ТОМОНИДАН САЙЛОВДАН КЕЙИН 10 КУНДАН КЕЧИҚТИРМАЙ МАТБУОТДА ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ.



■ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ ТОМОНИДАН ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН САЙЛОВ НАТИЖАЛАРИНИ ТЎЛИҚ ТАН ОЛИШНИ МАЪЛУМ ҚИЛДИ.

Амир Тему́р саркарда сифатида майдонга кириб, бирор марта ҳам енгилмаган...

O'ZBEKISTON OVOZI

2015-yil 4-aprel. Shanba
39 (31.942)-son
www.uzbekistonovozi.uz

3

■ МИЛЛАТ ҒУРУРИ

ЕНГИЛМАС САРКАРДА

■ Ички ишлар вазирлиги Академиясида Амир Тему́р таваллуд кунига бағишланган «Амир Тему́р — улуғ давлат арбоби, бунёдкор, илм-фан ҳомийси ва буюк саркарда» мавзусида илмий-маърифий анжуман бўлиб ўтди.

Анжуманни Академия бошлигининг ўринбосари, подполковник Тоҳир Азимов очиб, буюк бобокалонимиз таваллуд топган сана муносабати билан мазкур ўқув даргоҳида олиб бориладиган тадбирлар тўғрисида маълумот берди.

Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али сўзга чиқиб, Соҳибқирон Амир Темурнинг бунёдкорлик ишлари, олиму ула-моларни илм-фан ҳомийси сифатида ўз атрофида бирлаштиргани, улар кўмагида давлат иш-ларини оқилона бошқарганини

таъкидлаб ўтди.

— Америкада дунё бўйича тўртта саркардани тенг қўйишди, — деди **Муҳаммад Али**. — Шулардан бири буюк бобокалонимиз Амир Тему́р ҳисобланади. Чунки у амирлар, беклар бир-бири билан аёвсиз курашган мураккаб шароитда пароканда мамлакатни бирлашти-риб, улкан давлат тузди.

Амир Тему́р салтанатни бош-қарган йиллар мобайнида мам-лакатда саройлар, кўприклар, мадрасалар, шифохоналар, боғлар барпо қилинди.

Мана, ҳозир ҳам орадан қарийб 700 йил ўтган бўлса-да, юрти-

мизга дунёнинг турли мамлакат-ларидан келган сайёҳлар Соҳиб-қирон бобомиз сайё-ҳаракати билан бунёд этилган муҳташам саройларни, мадрасаю бошқа обидаларни кўриб ҳайратга ту-шишяпти. Бу биз учун катта ша-раф.

Муҳаммад Али сўзининг яку-нида Соҳибқирон таваллуд айё-мига бағишлаб ёзган «Исми-м Тему́рбекдир — Тему́рбек сў-зим...» деб номланган монологи-ни ўқиб берди.

Филология фанлари номзоди, доцент Адҳамбек Алимбеков ўз маърузасида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али томони-дан Амир Тему́р фаолиятига ба-ғишлаб ёзилган ва яқинда chop этилган «Улуғ салтанат» номи-ли тўрт томлик эпоседан ўрин ол-ган асарлар ҳақида ўз фикр-му-лоҳазаларини билдирди.

Анжуман давомида Ўзбек Мил-



лий академик драма театри ар-тистлари ижросида спектакллар-дан парчалар ва концерт дастури намоиш этилди.

Нуруллоҳ ДОСТОН

■ Америкада дунё бўйича тўртта саркардани тенг қўйишди. Шулардан бири буюк бобокало-нимиз Амир Тему́р ҳисобла-нади. Чунки у амирлар, беклар бир-бири билан аёвсиз курашаёт-ган мураккаб ша-роитда парокан-да мамлакатни бирлаштириб, улкан давлат тузди.

Дунё

Улкан қурилишлар улкан маблағларни талаб қилади

Дарҳақиқат, энг узун, энг банд ёки энг йирик ва энг чуқур иншоотни бунёд этиш кўп меҳнат талаб қилиш билан бирга кўп маб-лағ сарфини юзага келтиради.

Масалан, Арманистон жанубида-ги Сюник вилоятида дунёдаги энг



узун осма кўприк қуриб, фойдала-нишга топширилган. Унга 45 миллион доллар миқдорида маблағ сарфлан-ган. Кўприкнинг узунлиги 5,7 кило-метри ташкил этади. У ўтиш қийин бўлган қадимий Татев черковида сайёҳлар катновини йўлга қўйиш учун бунёд этилган.

Швейцарияда эса Альп тоғлари остидан ўтувчи дунёдаги энг узун Го-тард туннели — ер ости йўли қури-лиши амалга оширилган. Унинг узун-лиги 57 километр бўлиб, икки томон-дан тоғни тешиш ишлари 14 йил да-вом этган. Қурилиш ишлари беш йил муқаддам якунига етган бўлса-да, ҳали фойдаланишга топширилмаган. 2017 йилдагина бу ер ости йўлида ҳаракатланишга рухсат берилади.

«ВВС» хабар беришича, бу тун-нель қурилишига 10,3 миллиард дол-лар сарфланган. Қурилиш ишларида 2,5 минг киши қатнашган.

Ер ости йўли фойдаланишга топ-ширилган, кунига бир қанча темир йўл йўналиши бўйича соатига 250 километр тезликда ўтишга имкон яра-тилади. Айнан шу йўл боис Милан билан Цюрих орасидаги масофа бир соатга қисқаради.

ТАА. Таъкидлаш жоизки, шу пайтгача дунёдаги энг узун туннель Япония-нинг Хонсю ва Хоккайд ороллари-ни бир-бирига боғловчи Сэйкөн ер ости йўли ҳисобланади. Унинг узунлиги — 53,8 километр. Буюк Британияни Франция билан боғловчи Ла-Манш сув ости йўлининг узунлиги эса 50 километрини ташкил қилади.

Чипталар

сотувга чиқарилди

Келгуси йилда Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўткази-ладиган «Олимпиада — 2016» спорт ўйинлари учун чиқарилган чипталарнинг сотуви бошланди. Жами 7,5 миллион дона чипта со-тувга чиқарилган. Энг арзон чип-танинг нархи — 40 бразилия реал-и, яъни 7,5 АҚШ доллари миқдо-рида белгиланган.

Енгил атлетика, баскетбол, волей-бол ва пляж волейболи мусобакала-рининг финал учрашуви чипталари энг қиммат нарҳдалиги билан ажралиб туради. Бу спорт турларининг фина-лини бевосита аренадан томоша қилишни истаган ишқибозлар 375 доллардан тўлашлари керак бўлади.

Олимпиаданинг тантанали очилиш маросими чипталари эса 1440 дол-лар миқдорида белгиланди.

Героин

муқаррар ўлимга олиб боради

Россияда гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланишини назорат қилиш бўйича федерал хизмати маълумот-ларига кўра, мамлакатда ишга яроқли аҳолининг, яъни 15 дан 64 ёшгача бўлган кишиларнинг деярли 2 фоизи гиёҳвандлик иллатига мубтало бўлган. Шунингдек, таъкидлаш лозим-ки, гиёҳвандликнинг энг оғир геро-инга ружу қўйишдир. У муқаррар ўлимга олиб боради. Героинга «ўти-рган» шахс 5-7 йил яшайди, холос. Шунинг билан туриб, уни истеъмол қилувчилар борлиги ачинарли, албат-та. Уч-тўрт йилда уларнинг қайсидир бир органи бутунлай ишдан чиқши аниқ. Бу эса ўлимни тезлатувчи ҳолат-лардан бири саналади. ОИТС (одам имун танқислиги синдроми)га чалин-ганларнинг 80 фоизи героин истеъ-мол қилувчилардир.

■ БАНДЛИК

Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида

жорий йилда 232 мингдан ортиқ иш ўрни ташкил этилади

■ Иқтисодиёт вазирлиги томонидан мамлакатимизда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш масаласига бағишланган мат-буот анжумани ўтказилди.

Унда аҳоли бандлигини таъминлаш, жумладан, академик лицей, касб-ҳунар коллежи ва олий ўқув юрлари битирувчи-ларини ишга жойлаштириш учун зарур ша-роитлар яратиш мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий сиё-сатнинг устувор йўналишларидан бири экан-и таъкидланди.

Биргина ўтган йилда ҳудудларни иж-тимоий-иқтисодий ривожлантириш дас-тури доирасида 200,0 мингдан ортиқ му-қим иш ўрни ташкил этилган бўлса, жо-рий йилда бу кўрсаткич 232,0 мингдан ошиши мўлжалланмоқда. Жумладан, са-ноат соҳасининг 9 та йўналишида, яъни 5,4 мингтадан ортиқ лойиҳада 115,7 минг-дан зиёд, хизматлар соҳасини ривожлан-тириш ҳисобига 14 мингга яқин, янги сав-



до ва маиший хизмат кўрсатиш объект-ларини ишга тушириш ва мавжудларини кенгайтириш орқали эса 66,8 мингдан ортиқ ҳамда қишлоқ ҳўжалиги соҳасида 6,4 мингдан ортиқ лойиҳа асосида 48,8 мингдан зиёд иш ўрни яратилиши кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, инвестиция дастури дои-расида 2014 йилда маҳаллий хомашёни юқори технология асосида қайта ишлаш-ни таъминлайдиган 154 та йирик лойиҳа-ларда 6 мингдан ортиқ иш ўрни ташкил

■ ТАДБИР

Жамоат тартибини сақлаш ҳуқуқбузарлиқнинг олдини олади

■ Ички ишлар вазирлиги Академиясида «Жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашнинг долзарб масалалари» мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палата-си депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурату-раси, Адлия ҳамда Фавқулод-да вазиятлар вазирликлари, Давлат божхона, солиқ қўми-талари, бошқа қатор ҳамкор ташкилотлар ва оммавий ах-борот воситалари вакиллари иштирок этди.

Конференцияни ўтказишдан қўзланган асосий мақсад ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва фуқаро-лар хавфсизлигини таъминлаш борасидаги фаолиятини таҳлил этиш, мавжуд муаммоларни аниқлаш, ўрганиш ва бартараф этиш йўллари ишлаб чиқиш, шунингдек, тегишли соҳавий хизматларнинг ушбу йўналиш-даги фаолиятини янада тако-миллаштириш истиқболларини белгилашдан иборатдир.

Конференцияда қайд этил-дики, Ички ишлар вазирлиги ва унинг қуйи тизимлари фао-

лияти тубдан такомиллашти-рилди. Бунинг натижасида ички ишлар идораларининг етакчи соҳавий йўналишлари ҳисобланган Жиноят-қидирув ва терроризмга қарши кураш, Тергов, Ҳуқуқбузарлиқларнинг олдини олиш, Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш, Ёнгин хавфсизлиги хизматлари замон талаблари даражасида фаолият юритмоқ-да.

Конференцияда «Жамоат тартибини ва хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асос-лари», «Ички ишлар идорала-рининг патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш фаолиятини янада такомил-лаштиришнинг долзарб маса-лалари», «Жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсиз-лигини таъминлашда ҳуқуқчи муҳофаза қилувчи органлар-нинг ҳамкорлиги», «Ички иш-лар идоралари кўриқлаш хиз-мати тизимида «Хавфсиз ша-ҳар» лойиҳасини татбиқ этиш



истиқболлари» ва бошқа қатор мавзуларда маърузалар тинг-ланди.

Анжуманда маърузачилар ва тадбир иштирокчилари то-монидан жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъ-минлашнинг назарий-ҳуқуқий жиҳатлари, ушбу йўналишда ички ишлар органлари тегиш-ли соҳавий хизматларининг фаолиятини янада такомил-лаштириш, фуқаролар хавф-сизлигини таъминлаш ва улар-нинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида ҳуқуқчи муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаро-лик жамияти институтлари ўртасида ижтимоий шериклик-ни ривожлантириш масала-

ри таҳлил қилинди.

Мавзу юзасидан кўплаб фикр-мулоҳазалар билдирил-ди. Шу асосда ички ишлар органларининг патруль-пост хизмат ва жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати хавфсиз-лиги, ҳуқуқбузарлиқларнинг ол-дини олиш, ёнгин хавфсизли-ги хизматлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий механизмла-рини янада кучайтириш, шу-нингдек, соҳага доир айрим қонун ҳужжатларини янада та-комиллаштириш масалалари юзасидан тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Узоқроқ яшагинг келади!



Дарҳақиқат, бугун мам-лакатимизда истиқомат қилаётган нуронийлар, уруш ва меҳнат fronti фахрийлари оилаларимиз, юртимиз файзи, фаришта-сидир. Уларнинг дуолари, эзгу ниятларида ҳикмат кўп.

2015 йилда бутун юрти-мизда ёши улуғларни рози қилиш, уларнинг кўнглига етиб бориш, турмуш шаро-итларини яхшилашга ало-ҳида эътибор қаратилмоқ-да. Бунда маҳалла фуқаро-лар йиғинлари асосий ўрин тутди. Қўзғай туманида-ги «Бунёдкор» маҳалла фу-қаролар йиғинида ташкил этилган маданий-маъри-фий тадбир ана шу мак-садларга қаратилгани би-лан аҳамиятлидир.

— Маҳалламизда 3 мингга яқин аҳоли исти-қомат қилади, — дейди «Бунёдкор» маҳалла фу-қаролар йиғини раиси Бахтиёр Тўраев. — Кек-саларни эъзозлаш йили муносабати билан маҳал-ламизда қатор ишлар олиб борилмоқда. Хусу-сан, маданий-маърифий учрашувлар, нуронийлар учун тиббий қўриқлар та-шкил этилмоқда. Бугунги тадбирда асосан ёшлар ва

нуронийларнинг мулоқоти-ни ташкил этишга ҳаракат қилдик. Чунки уларнинг ўғитлари фарзандлари-мининг баркамол бўлиб воғга етишида муҳим ўрин тутди.

— Кексаларимизнинг ҳаёт йўли ҳар биримиз учун намуна, — дейди «Бунёдкор» маҳалла фу-қаролар йиғини диний-маърифий ва ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Маҳмуд Восиқова. — Ҳозирда маҳалламизда фронт ортида хизмат қил-ган бир нечта кексалар яшайди. Маҳаллада амал-га оширилаётган ишлар, турли масалаларда авва-ло улардан маслаҳат, йўл-йўриқ сўраймиз.

— Инсон учун эътибор-дан ортиқроқ муқофот бўлмаса керак, — дейди табарруқ онахон Муқад-дам Қодирова. — Айниқ-са, бутун мамлакат миқ-ёсида биз ҳақимизда қай-гурилса, ғамхўрлик қи-линса, ўзингни янада бар-дамроқ, тетикроқ ҳис қилар экансан. Шундай кунларни кўриб янада узоқроқ яша-гинг келади-да!..

Ўз мухбиримиз.

■ ФУТЗАЛ. ДУНЁ ТЕРМА ЖАМОАЛАРИ-НИНГ ЯНГИ РЕЙТИНГИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ. УНГА КўРА, ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМА ЖАМОАСИ ДУНЁ РЕЙТИНГИДА 19-ЎРИННИ ЭГАЛЛАБ ТУ-РИБДИ.



■ БАДИЙ ГИМНАСТИКА. ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМА ЖАМОАСИ АЪЗО-ЛАРИ ЕЛИЗАВЕТА НАЗАРЕНКО ВА АНАСТАСИЯ СЕРДЮКОВА ШУ ЙИЛНИНГ 3-5 МАЙ КУНЛАРИ РУМИНИЯ ПОЙТАХТИ БУХАРЕСТ ШАҲ-РИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ҲАҲОН КУБОГИНИНГ НАВБАТДАГИ БОСҚИ-ЧИДА ВАТАНИМИЗ ШАРАФИНИ ҲИМОЯ ҚИЛАДИ.

СПОРТ

ҚИЛИЧБОЗЛИК:


ШИДДАТЛИ ВА ҲАЯЖОНЛИ БАҲСЛАР

Мусобақанинг дастлабки кунларида ўсмирлар ўртасида шпага, рапира ва шамшир бўйича кучлилар аниқланди. Шпагачи қизлар ўртасидаги финал баҳсида венгриялик Кинга Нагини мағлуб этган Александра Предеску (Руминия) олтин медалга сазовор бўлди.

Ўғил болалар ўртасида кечган баҳсларда эса Мёнги Ким (Жанубий Корея) биринчи ўринни эгаллади. У ҳал қилувчи учрашувда Чехия вакили Якуб Юржани 15:14 ҳисобида енгиб, жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлди.

Ўсмирлар ўртасида рапира бўйича ўтган учрашувлар ҳам барчанинг диққат-эътиборини тортди. Мухлислар америкалик Самуэль Мозлис ва россиялик Григорий Семенов ўртасидаги финал «дуэли»ни катта ҳаяжон билан кузатишди. Семенов рақибини катта фарқ (7:1) билан ортда қолдираётган эди. Бироқ учрашув давомида Самуэль ташаббусни қўлга олиб, якунда 15:12 ҳисобида ғалаба қозонди.

Кизлар ўртасидаги шамшир баҳслари финалида россиялик Ольга Никитина барча рақиблари



Санжар ШОТЛУДАГАНОВ олган суратлар.

устидан ғалаба қозониб, олтин медалга сазовор бўлди. У ҳал қилувчи баҳсда италиялик Лучия Лукаринига ҳеч қандай имконият қолдирмади.

— Илк бор жаҳон чемпионатида иштирок этишим, — дейди олтин медал соҳиби Самуэль Мозлис. — Унда бирорта учрашув осон кечгани йўқ. Мусобақага пухта ҳозирлик кўрганим эвазига чемпионлигини қўлга киритдим. Тошкент менга омад келтирди. Бу шаҳар энди бир умр хотирамда муҳрланиб қолади. Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилишга ҳам ул-

гурдим. Жуда озода ва обод шаҳар экан, халқининг меҳмондўстлиги ҳам кишини лол қолдирди. Мусобақа ташкилотчиларига яратиб берилган қўлай шарт-шароитлар учун раҳмат айтмоқчиман. Ўз навбатида Ўзбекистонда барпо этилган спорт иншоотлари, бу ердаги шижоатли тенгдошларим ҳақида ҳам икки оғиз гапиришни истардим. Бу ерга келганимга қадар юртингиз ҳақида интернет орқали айрим маълумотлар билан танишгандим, холос. Тошкентга келиб бу гўзал ўлка ҳақида тасаввурим янада бойиди.

Ўсмирлар ўртасида ўтказилган шахсий биринчилик учрашувларида Кассия Юлдашева, Жонбек Холмуродов, Халилло Шарипов, Жавохир Тожибоев каби бир қатор умидли қиличбозларимиз ўз омадларини синаб кўришди. Гарчи улар совриндорлар сафидан жой олишмаган бўлса-да, мазкур нуфузли мусобақа ўсмирларимиз учун ўзига хос тажриба ва маҳорат мактаби вазифасини ўтаб берганлиги шубҳасиз.

Эркин ХОЛБОБОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Олтинсой туманида жорий йилда 4 минг 900 дан ортиқ янги иш ўрни яратиш режалаштирилган. Яқинда Маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежида туман ҳокимлиги, прокуратура, Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, ЎзХДП туман кенгаши ташаббуси билан меҳнат ярмаркаси ташкил этилди. Унда 41 та корхона ва ташкилот 260 дан ортиқ бўш иш ўринлари билан иштирок этди.

— Касб-хунар коллежи битирувчиларини иш билан таъминлаш устувор вазифа, — дейди Олтинсой туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий

Эллик нафар коллеж битирувчиси ишли бўлди

муҳофаза қилиш маркази директори, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Баходир Тоғаев. — Жорий йилнинг ўтган даврида ҳудудда мингдан ортиқ йигит-қиз муқим иш жойига эга бўлди. Қолаверса, ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда йил охиригача яна бир неча бор меҳнат ярмаркаси ўтказишни мақсад қилганмиз.

Бундан ташқари, ярмарка доирасида касаначилик маҳсулотлари намойиши ўтказилди. Бўш иш ўрни тақлиф қилаётган корхона ва таш-

килотларда яратилган шароитлар ҳақида батафсил маълумотлар берилди. Тадбир якунида 50 нафар йигит-қиз иш ўрнига эга бўлди.

— Бундай тадбирларнинг ўтказилиши биз каби ёшлар учун жуда катта имконият яратмоқда, — дейди Жамшид Хўжаев. — Бугун мен ҳам ўз мутахассислигим бўйича «Хайрондара» қишлоқ врачлик пунктига ишга қабул қилиндим. Бундан жуда мамнунман.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

«Оқтепа» олий лигани кўзламоқда

Бугун футбол бўйича Ўзбекистон биринчилиги баҳслари бошланади. Унда йигирмата жамоа «Фарбий» ва «Шарқий» минтақаларга бўлинган ҳолда олий лигага бериладиган йўлланмалар учун кураш олиб боради.

Кунни кеча пойтахтимизнинг «Оқтепа» футбол клубида янги мавсум олдидан матбуот анжумани ўтказилди.

— Жамоамиз ўз олдида катта мақсадларни қўйган, — дейди «Оқтепа» футбол клуби раҳбари Ганишер Шогуломов. — Бу йил футболчиларимизга олий лига йўлланмасини қўлга киритиш вазифаси юклатилган. Шу боис мавсумлар ораллигида таркибини янада кучайтириш мақсадида бир қатор янги футболчиларни жамоага тақлиф этдик. Жумладан, турли йилларда олий лига жамоалари шарафини ҳимоя қилган Темура Яфаров («Навбахор»), Ярослав Крушельницкий (Малайзия), Анвар Раҳимов («Кўкюн-1912») каби уйин-

чилар янги мавсумдан «Оқтепа» таркибида ўйнайди. Жамоа аъзолари тажрибали мутахассис Элдор Сакаев бош мураббийлигида мавсумга пухта ҳозирлик кўрди.

«Оқтепа» футболчилари баҳсларни мамлакат биринчилигининг «Шарқий» минтақасида бошлашди. Дастлабки турда улар бугун «Пахтакор-2» (Тошкент) футболчилари билан куч синашади.

Шунингдек, биринчи лиганинг дастлабки турида «Фарбий» минтақасида «Хоразм» (Урганч) — «Обод» (Тошкент), «Орол» (Нукус) — «Аланга» (Тошкент), «Орол» (Нукус) — «Аланга» (Тошкент), «Насаф-2» (Қарши) — «Фиждудон» (Фиждудон), «Локомотив-БФК» (Тошкент) — «Зомин» (Зомин),



«Машъал-2» (Муборак) — «Шердор» (Самарқанд), «Шарқий» минтақасида эса «Чуст-Пахтакор» (Чуст) — «Уз-Донжун» (Андижон), «Косонсой» (Косонсой) — «Хотира-79» (Уйчи), «Пахтакор-2» (Тошкент) «Цементчи» (Қувасой) — «Езёвон-Лочинлари» (Езёвон), «НБУ-Осиё» (Тошкент) — «Бунёдкор-2» (Тошкент) жамоалари майдонга тушади.

Самандар БОБОРАЖАБОВ,
ЎзДХТУ талабаси.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

МОЛИЯВИЙ РАҒБАТ – ЮТУҚЛАРГА КЕНГ ЙЎЛ ОЧМОҚДА

Бу акциядорлик тижорат «Алоқабанк»нинг Самарқанд филиали фаолияти мисолида ҳам яққол намоён бўлмоқда.

Тахририятимизга Самарқанд шахридан кўнғироқ бўлди. Ўзини «Ал-муносиб сервис» оилавий корхонаси раҳбари Суннат Алимов деб таништирган бу инсон акциядорлик тижорат «Алоқабанк»нинг Самарқанд филиали хизматларидан мамнун эканини айтди.

У мазкур банкдан 2013 йилда 25 миллион сўм кредит олиб қатор ютуқларга эришган экан. Хусусан, корхонада 10 турдаги йўлак плитчалари ва шлокобкок ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. 2014 йилда филиалдан олинган 84 миллион сўм кредит ҳисобига эса «ISUZU» русумидаги юк автомобиллари харид қилинди. Махсулот ишлаб чиқариш ҳажми ортди, йилга 200 миллион сўмлик қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга эришилди. Корхонада янги иш ўринлари яратилди.

Филиал томонидан айна дамларида ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш ва янги иш ўринлари яратишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, мижозларга турли банк хизматлари кўрсатиш, уларга янгидан-янги омонат турларини тақлиф этиш, аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб

этиш юзасидан қатор ишлар амалга ошириляпти. Банкнинг молиявий мадади туфайли мижозларнинг айланма маблағлари микдори ортиб, қишлоқ ҳўжалиги, қурилиш, саноат ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳаларида салмоқли ютуқларга эришляпти.

Биргина мисол. Кўрсатилаётган хизматларнинг сифати ва турларини кенгайтириш ҳисобига банк мижозлари сони жорий йилнинг 1 март ҳолатига 549 тага етди. Пластик карточалардан фойдаланувчилар сони эса 23 минг 742 дан ошди. Бу ўтган йилнинг шу даврига қараганда 4200 тага кўпдир. Ўтган йили банк томонидан юридик ва жисмоний шахсларга 48 979,3 миллион сўм миқдорда кредитлар ажратилган бўлиб, ушбу маблағларнинг 37 167,0 миллион сўми тўридан-тўри кичик бизнесни молиявий қўллаб-қувватлашга қаратилди. Ишлаб чиқариш, хизмат

кўрсатиш кенгайиши ҳисобига 425 янги иш ўрни яратилди.

Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер ҳўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Президент қарорини ҳаётга татбиқ этиш юзасидан 39 нафар мижозга чорва моллари сотиб олиш учун 220 миллион сўм кредит маблағлари ажратилди. Банкнинг барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш ишларига 1 137,7 миллион сўм молиявий кўмак берилди. Ёш оилавларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида 67 оилга 864 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредитлар ажратилди. Хусусан, 9 та ёш оилга

Ёш оилаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида 67 оилга 864 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредитлар ажратилди.



ALOQABANK ЮКСАКЛИККА ИНТИЛГАНЛАР УЧУН

390 миллион сўмлик имтиёзли ипотека кредитлари, 21 та ёш оилга 268 миллион сўм истеъмол кредитлари, 37 та ёш оилга эса 206 миллион сўмлик имтиёзли микрокредитлар берилди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда банк кредитлари ҳисобига ўз бизнесини йўлга қўйиб, халқимиз фаровонлигини оширишга ва янги иш ўринлари ташкил этишга бел болаган мижозлар сони тобора кўпайиб бормоқда. Шу боис банк томонидан ҳар бир йўналиш бўйича зарурий чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этиляпти.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида филиал томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 1 миллиард сўм миқдорда кредитлар ажратилди. Шундан мижозларга ажратилган микрокредитлар миқдори 215 миллион сўмни ташкил қилди. Тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш ишларига

эса 62 миллион сўмлик кредитлар йўналтирилди. Натижада 20 та янги иш ўрни яратилди.

Банкдан олинган маълумотларга кўра, бугунги кунда акциядорлик тижорат «Алоқабанк»нинг Самарқанд филиалида 1 та минибанк, 2 та жамағарма кассаси, 1 та махсус касса, «Western union», «Leader», «Золотая Корона», «Контакт», «Мигом», «Анелик», «Юнистрим» каби қатор халқаро пул ўтказмалари ҳамда 1 та валюта айирбошлаш шохбасчи мавжуд бўлиб, улар ҳамisha мижозлар билан гавжум. Шунданми, филиал жамоаси «BANK EXPO — 2015» кўрми танловида минтақавий филиаллар орасида голибликни қўлга киритди.

Яна бир гап. Айна дамларида банкнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, аҳоли ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб қилишни кўпайтириш, активлар ҳамда кредит портфели сифатини яхшилаш

борасида ҳам қатор ютуқларга эришилмоқда. Айниқса, аҳолининг банкдаги омонатлари шартларини либераллаштириш ва уларнинг кафолатларини таъминлашга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Худди шунингдек, бу ерда кадрлар салоҳиятидан самарали фойдаланиш, ёш мутахассисларда касб кўникмаларини шакллантириш, уларга банк сирларини мунтазам ўргатиб бориш йўлга қўйилган.

Хулоса қилиб айтганда, акциядорлик тижорат «Алоқабанк»нинг Самарқанд филиали томонидан амалга оширилаётган бу ишлар мижозларнинг банкка бўлган ишончини ошириш, янги иш ўринлари яратиш, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини янада юксалтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Соҳибжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.